



ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА РИВОЖЛАНМОҚДА



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Давронжон Адилов Хитой Халқ Республикасининг Уй-жой қурилиши, шаҳар ва қишлоқларни ривожлантириш вазири ўринбосари Qin Haixiang бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашув аввалида таъкидланганидек, давлатлар ўртасидаги муносабатлар икки давлат раҳбарларининг ўзаро бор-

ди-келдиларида, олий даражадаги учрашув ва музокараларида янги босқичга кўтарилди бормоқда. Музокаралар даво-

мида шунингдек, реновация лойиҳаларини амалга оширишда Хитой тажрибасини ўрганиш ва хитойлик экспертларни мазкур лойиҳаларда консультант сифатида жалб қилиш юзасидан фикр алмашилди. Конструктив ва қизгин фикр-мулохазаларга бой тарзда ўтган учрашувда амалга оширилаётган ҳамкорлик лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, юртимизда Хитойнинг CAMCE, CITIC, China State Construction ва бошқа қатор

етақчи пудрат ташкилотлари иштирокида йирик лойиҳалар амалга оширилаётганлиги алоҳида урғу берилди. 2025 йилда Ёшлар ўртасидаги Осий ва Парасий ўйинлари ўтказилиши кўзда тутилган Олимпия шаҳарчаси, чинакам экологик ва ақлли шаҳар бўлиши кутилаётган "Янги Тошкент" лойиҳаси, транспорт ва йўл инфратузилмаси соҳасидаги лойиҳалар ана шундай самарали тадбирлардан саналади.

Германиялик мутахассислар билан учрашув

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик агентлиги (GIZ) ўртасида имзоланган вазифалар доирасида Техник меъёрлар ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти мутасаддилари учрашув ўтказдилар.



Унда биналарнинг энергия самарадорлигини оширишга доир 9 та ШНҚни модернизация қилиш, Нукусдаги "Пилот" лойиҳа асосида турар жой биналари бўйича қўлланма ишлаб чиқиш, ҳамкорликда энергия самарадор биналарни рағбатлантириш тизимини яратиш, қўшма лойиҳа доирасида Энергия аудит стратегиясини ишлаб чиқишда Германия тажрибасидан фойдаланиш,

2024 йилнинг август ойи сўнгида яқиний лойиҳани амалга ошириш учун Нукуста ташрифни ташкиллаштириш, ташриф давомида уй-жой эгаларига лойиҳа бўйича тақдирот қилиш каби масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, GIZ ва институт ҳамкорлигида қурилиш ва коммунал соҳада устувор вазифалар бўйича истиқболдаги лойиҳалар режаси ҳам келишиб олинди.

Университетда очик мулоқот

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар юзасидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик мутасаддилари Тошкент архитектура-қурилиш университетиде очик мулоқот ўтказишди.

Учрашув давомида соҳага доир бир қатор устувор масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқиш, уларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш ва халқаро норматив-техник ҳужжатларга мувофиқлаштириш ишларига университетнинг малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилиш ҳамда соҳадаги устувор, долзарб масалалар бўйича қўшма тадқиқотларни амалга ошириш белгиланди. Шунингдек, норматив ҳужжатлардаги атамаларни тизимлаштириш орқали ўқув режа дастурларига мувофиқлаштириш, ҳамкорликда лаборатория фаолиятини таҳлил қилиш



ҳамда такомиллаштириш, муаммоларни банкни яратиш ва бу борада тадқиқотларни амалга ошириш, ўқув режа ва дастурларни халқаро талаблар асосида қайта кўриб чиқиш ҳамда ривожлантириш, меморандум имзолашга ва ҳамкорликдаги вазифаларни "Йўл харитаси" асосида бажаришга келишиб олинди.

Қурилиш-монтаж ишлари учун қандай қулайликлар яратилмоқда?

Жорий йилнинг ўтган даврида қурилиш ишлари ҳажми салкам 60 трлн сўмга етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107 фоизга ортгани бу фикрнинг исботидир. Шунингдек, бугунги кунда 31 мингдан ортиқ қурилиш-пудрат ташкилоти рўйхатга олинган бўлиб, улар томонидан ҳудудларда замонавий бино-иншоотлар барпо этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўз навбатида бу жараёнда қурилиш-пудрат ташкилотларига қулайлик яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.



Илгари қурилиш ишлари бўйича буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар томонидан имзоланган шартномага кўра бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисобот ёки ҳисобварақ-фактуралар қоғоз кўринишида, яъни турли бюрократик тўсиқларга дуч келинган ҳолда расмийлаштирилди. Бу эса, пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишларини ўз вақтида расмийлаштириш ва маблағлар ажратилишида сунъий тўсиқларга сабаб бўларди. Жорий йилнинг 29 январь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилишда Президентимиз томонидан соҳада рақамлаштириш жараёнларини кенгайтириш, бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш, бу борадаги иш юритишда шаффофликни ошириш ва молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда қурилиш-пудрат ташкилотлари ва буюртмачилар ўртасида расмийлаштирилмаган ҳужжатларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илгор инновацион дастурий таъминотларни кенг жорий этиш орқали қурилиш объектларида бажарилган ишларни ҳисобга олиш, уларга ўз мuddатларида маблағларни ажратилишини таъминлаш мақсадида, жорий йилнинг 12 июнида "Ҳукуматнинг айрим қарорларига ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнларини самарали ташкил этишга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга асосан, Ҳукуматнинг тегишли қарори билан тасдиқланган "Ҳисобварақ-фактураларнинг" шакллари

ҳамда уларни тўлдирди, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, жорий йилнинг 1 октябрдан эътиборан бюджет тизими ҳисобидан молиялаштирилмаган объектларда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари топширилганда, янги шаклдаги ҳисобварақ-фактура орқали тақдим этилиши белгиланди. Шу билан бирга, марказлаштирилган манбалар ҳисобига бажарилган қурилиш ишлари бўйича пудрат ташкилотлари ҳисоботларини рақамлаштириш ҳамда амалга оширилган харажатларни молиялаштиришни такомиллаштириш, келгуси йил Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилмаган лойиҳалар бўйича лойиҳа-қидирув ишлари, лойиҳа-смета ҳужжатларини кўриб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш би-

лан боғлиқ харажатларни жорий йилда молиялаштириш белгилаб қўйилди. Мазкур электрон ҳисобварақ-фактура пудрат ва буюртмачи ташкилотлар томонидан объектларда бажарилган ишлар ва улар учун марказлашган ҳолда ажратилган маблағларни ўзлаштирилишида шаффофликни таъминлашга хизмат қилиб, соҳа ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, бу ўзгаришлар Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари ҳамда бюджет тизими ҳисобидан молиялаштирилмаган дастурларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш, соҳада самарали назорат механизмлари ва замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, лойиҳалар иштирокчилари ва назорат қилувчи идораларнинг масъулиятини оширишга олиб келади.

Куз-қиш мавсуми масаласида йиғилиш

Кўп квартиралли уйлари куз-қиш мавсумига тайёрлаш, бу йўлда давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган топшириқлар ижросини қатъий таъминлаш ҳамда аҳоли учун қулай шароитларни яратишни ташкил этиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева, Тошкент шаҳри прокурори ўринбосари Ҳабибулла Мирсоатов ҳамда Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Шохрух Раҳимжонов иштирок этиб, соҳадаги долзарб вазифалар, ютуқлар ва мавжуд камчиликлар хусусида муҳокама ўтказдилар. Даставвал, ўтган даврда соҳани такомиллаштириш йўлида амалга оширилган ишлар юзасидан туман масъуллари ҳисоботи тингланди.

Шунингдек, вазирилик ва прокуратура масъуллари томонидан ташкил этилган назорат тадбирлари, унда аниқланган бир қатор масалалар бўйича фикр-мулоҳаза алмашилди. Танқидий ва муҳокамаларга бой бўлган тадбирда мутасаддилар томонидан бошқарув ташкилотлари олдига қўйилган муҳим вазифалар, мавжуд камчиликларнинг олдини олиш ва энг асосий, халқнинг эътирозига сабаб бўлиши мумкин бўлган жиҳатларга эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

## “Инсон қадрини учун” тамойили – ислоҳотларнинг бош мезони

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Инсон қадрини улуғлашни ўзида мужассам этган ислоҳотларнинг амалдаги ифодаси барча ҳудудлардаги янгиликлар мисолида яққол кўринмоқда. Кишилар бир-бирдан мухташам янги уйларида яшаш, замонавий ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат қилиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Халқимиз ҳар қандай бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг мазмун-моҳияти турмуш фаровонлигини оширишга қаратилганини юракдан ҳис этмоқда.

Давлатимиз раҳбари бошчилигидаги бунёдкорлик ишларининг Орол бўйи минтақасида ҳам кенг қулоқ ёйгани Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий маркази – Нукус шаҳридан бошлаб барча туман ва маҳаллалар, овуллар, энг чека кишлоқлари ҳам обод бўлаётган айланмада. Айниқса, кейинги йилларда “Инсон қадрини учун” тамойили асосида бошланган ҳаракатлар доирасида овул ва маҳаллалар инфратузилмаси замонавий лойиҳалар асосида қайта қуриляпти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 февралдаги “Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, шароити оғир оилалар ва фуқаролар қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, қарорга асосан 363,9 миллиард сўм маблағ ажратилиб, овул ва маҳаллалардаги аҳоли турар жойлари, ички йўллар, турмуш шароити ночор оилаларга тегишли 21 минг 94 та уй-жой таъмирланди. 709 та яшаш учун яроқсиз ҳамда авария ҳолатидаги турар жойлар янгидан қурилди. Амударё, Беруний, Эллиққалъа ва Тўртқўл туманларида эса 2 минг километр тупроқ йўлга қунашағал ётқизирилиб, пиёдалар йўлакчалари барпо қилинди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур туманларнинг инфратузилмасини яхшилаш, хондонбай ишлашни йўлга қўйиш ва илҳам ишлаб чиқариш корхоналарини қуриб, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда ташландиқ ҳолга келиб қолган

экин майдонларини қайтадан маданийлаштириш каби долзарб масалаларни амалга оширишда Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардан ташриф буюрган тадбиркор ва тажрибали мутахассисларнинг ҳиссаси катта бўлди. “Инсон қадрини учун” тамойили ташаббуси доирасида Нукус шаҳри, Мўйноқ, Шуманай, Тахиятош, Тахтақўпир, Нукус туманларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳеч бир даврда бўлмаган. Бу ерда минглаб уй-жойга муҳтожлар эндиликда барча қўлайликларга эга замонавий хонадонларда истиқомат қилмоқда. Шунингдек, ҳудудлардаги 16 та туманнинг 70 фоиз аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Фуқароларни, айниқса, йигит-қизларни доимий иш билан таъминлаш, уларни касб-корга йўналтириш юзасидан ҳам зарур чоралар кўриломоқда. Хусусан, ҳар бир туман кесимида Тошкент шаҳри ва вилоятлар кўмағида қурилган корхоналарда турли хил истеъмолбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти. Уларда уч мингдан зиёд ёшлар меҳнат қилмоқда. Бундан ташқари, касб ўргатишга йўналтирилган ўнлаб ўқув марказлари фаолияти шакллантирилиб, тажрибали мутахассислар ёшларнинг ҳунари бўлишида ўз билимларини аяшмаяпти.

Ташаббус доирасида бошланган тадбирлар натижасида ҳудудда тикланаётган ижтимоий объектлар, ишлаб чиқариш корхоналари бирин-кетин буй кўрсатаяпти. Халқаро ва ички йўлларни тартибга келтириш ҳамда аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга йўналтирилган лойиҳалар асосидаги ҳаракатлар шу кунларда қизгин тус олган.

## Хорижий инвестициялар юрт раўнақига хизмат қилади

Иқтисодий тараққиётга эришишда хорижий инвестицияларни жалб этишнинг аҳамияти катта. Шу бонсдан мамлакатимизда мазкур масалага катта эътибор қаратилган ҳолда, экспорт имкониятларини ошириш, янги иш ўринларини яратиш борасидаги мақсадлар сари дадил ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Тошкент вилоятида хорижий инвестициялар ҳисобига йўлга қўйилган лойиҳалар бу борадаги саъй-ҳаракатлар самарасини аниқ намоён этмоқда.

Вилоятда жорий йилнинг дастлабки чорагида олиб борилган тадбирлар натижасида 307,7 миллион АҚШ долларлик тўғридан-тўғри инвестиция ҳамда кредитлар ушлаштирилган тўғрилик иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва аҳоли турар жойларини ривожлантириш юзасидан замонавий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жарафанда асосий эътибор фуқароларнинг электр энергияси, ичимлик ва оқова сувга бўлган талабларини қондиришга қаратилляпти.

Туман ва шаҳарлар кесимида олиб қилинган хориж сармоялари иқтисодиёт тармоқлари, шунингдек, уларга турдош соҳаларни ҳаракатга келтириш қаторида аҳоли, айниқса, вақтинчалик ишсиз макомини олган хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда даромад манбаини оширишга хизмат қилмоқда. Айниқса, бугунги кунда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига импорт ҳажминини қисқартиришга алоҳида эътибор берилгани тўғрисида йилнинг ўтган уч ойида Оҳангарон, Олмалиқ шаҳарлари, Қуйи Чирчиқ, Бекобод, Янгийўл туманларида гулгоҳоз, шлакблок, арматура сингари ундан ортиқ турдаги импорт ўрнини босувчи материаллар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу ҳаракатлар 450 нафар кишининг доимий бандлигини таъминлашга имкон берди.

Бундан ташқари, вилоят аҳолиси тўқимачилик, озиқ-овқат, электротехника ҳамда фармацевтика саноатини юксалтириш буйича ҳам катта тажриба тўплаган. Бунинг самарасини янги корхоналар қурилгани ҳисобига ишлаб чиқариш тармоқлари йил сайин кенгайтирилган мисолида яққол кўриш мумкин. Жумладан, Чирчиқ, Бекобод, Ангрэн шаҳарларида электротехника ва тўқимачилик, Окқўрғон, Юқори Чирчиқ, Тошкент, Чиноз туманларида озиқ-овқат,

тўқимачилик йўлга қўйилиб, ички бозорда олиб борилган тадбирлар натижасида Россия, Туркия, Қозғистон, Афғонистон, Туркменистон, Молдова сингари ундан ортиқ давлатлар бозорларидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Айни пайтда бу корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотларга бошқа давлатларда ҳам талаб ортмоқда. Шу сабабли, саноат тармоқларини янада кўпайтириш юзасидан 2024-2025 йилларга мўлжалланган умумий қиймати 12,2 миллиард АҚШ долларлик лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Натижада қўшимча яна 26 та меғалоиҳа ишга тушса, ишлаб чиқариш 269 миллион долларга, экспорт ҳажми эса 762 миллион долларга ортади. Шу мақсадда саноатга инновацион ғояларни жалб этиш, маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш учун ҳаракатлар бошланди. Шунингдек, янги корхоналар ишга туширилгач, энг аввало, вилоятнинг турли ҳудудларидаги дафтарларда рўйхатда турган фуқаролар бандлигини таъминлаш назарда тутилган.

Истиқболли лойиҳалардан дастлабкиси – қайта тикланувчи энергия ускуналарини ишлаб чиқаришга қаратилди. Бунинг учун Янгийўл туманида умумий қиймати 20 миллион АҚШ долларлик Хитой Халқ Республикаси корхонаси билан ҳамкорликда замонавий қуёш панеллари ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа Италияда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Муҳими, корхона жорий йил охиригача ишга туширилиши режалаштирилган. Завод йилиги 367 минг 540 донга қуёш панели ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, 100 нафар кишининг бандлигини таъминлайди. Ҳозирда туман ҳокимлигининг захирада турган бўш майдондан ер ажратилиб, қурилиш ва бунёдкорлик ишлари жадаллик билан олиб борилаётган.

## ОЛОТДА ҚУЁШ ФОТОЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Учқун ТОЖИЕВ, журналист.

Мамлакатимизнинг қўшни Туркменистон билан чегарадош Олот туманида Бирлашган Араб Амирликларининг “Masdar” компанияси томонидан “Нур-Бухоро” 250 MWт қувватга эга қуёш фотоэлектр станцияси ҳамда 63 MWт/126 MWт батарея қувватини сақлаш тизими ташкил қилинмоқда.

Республика ҳукумати, вазирлик ва идоралар раҳбарларидан таркиб топган делегациянинг ўтган йил 7-10 май кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Дабӣ шаҳрига хизмат сафари чоғида “Masdar” компаниясининг Ўзбекистондаги инвестиция лойиҳаларини 10 миллиард АҚШ долларига етказиш буйича бирламчи келишувга эришилган эди. Ушбу мақсад рўйи учун Европа Тиклаши ва Тараққиёт Банки бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилиши доирасида энергетика вазирлиги, инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Бирлашган Араб Амирликларининг “Masdar” компанияси ўртасида 500 MWт қувватли шамол ва умумий қуввати 2150 MWт қувватга эга қуёш фотоэлектр станциялари лойиҳаларини биргаликда ишлаб чиқиш буйича келишув битими имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 31 май кунги Бухоро вилоятига ташкиллаштирилган ташрифи чоғида Бирлашган Араб Амирликларининг “Masdar” компанияси томонидан барпо этиладиган 250 мегаватт соат қув-

ватга эга қуёш электр станциясининг қурилишига ҳам старт берилди. Айни кунда мазкур лойиҳа учун Олот туманидан 700 гектар ер ажратилган. Бу станция 2025 йилнинг якунига қадар тўла қувватда ишга туширилиши ва ягона электр тармоғига улаштириш режалаштирилган.

Ўзбекистон энергетика вазирлигига ҳукумат томонидан “Нур Бухоро” қуёш фотоэлектр станциясини лойиҳалаш, қуриш, молиялаштириш, ишга тушириш ва фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш ва узатиш имконияти берилган. Қуёш фотоэлектр станциясининг қуввати 250 мегаватт ва 63 мегаватт/126 мегаваттлик батарея қувватини сақлаш тизимини ташкил қилади. Лойиҳа маҳаллий қондалар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган тарзда ишлаб чиқилган. Унинг доирасида “Nur Bukhara Solar PV” МЧЖ хорижий корхонаси ва “Ўзбекистон Миллий электр тармоғи” АЖ ўртасида 25 йиллик электр энергиясини сотиб олишга доир шартнома тузилган.

Аҳамиятли жиҳати, бу лойиҳадан қўзланган мақсад – углерод асосидаги



ёқилгиларга энергия қарамлигини камайтириш, қайта тикланадиган энергияга ўтиш режасини амалга ошириш, иссиқхона газлари эмиссиясини камайтиришдир. Шу жумладан, лойиҳанинг янги подстанциясини мавжуд электр узатиш тизимига улаш учун 3 километрдан ортиқ узунликда юқори қучланишли электр узатиш линияси барпо этилади. Ўзбекистон Республикасининг жануби-ғарбий қисмида, олис Олот туманида 700 гектар ерни қамраб олаётган маскан туман марказидан 24 километр узоқликда, қўшни Туркменистон Республикаси билан чегарадан 25 километр шимоли-ғарбда жойлашган. Лойиҳа майдони текис бўлиб, шимолдан, жанубдан ва шарқдан “Аму-Бухоро машина ка-

нали” билан туташ ҳудуддан ўрин олган. Минтақавий йўл “Р-78” лойиҳа майдонининг шимолий чегараси бўлиб ўтади ва ғарбий томонида тахминан бир километр узоқликда дренаж каналлари ва ҳовузлар мавжуд. Аниқроғи, “Хамза-1” подстанцияси мазкур участкадан 1 километр шимолда, “Хамза-2” подстанцияси эса ундан 1 километр жанубда жойлашган.

Шу билан бирга, “Masdar” компанияси томонидан қуввати 250 MWт соат бўлган “Нур-Бухоро” қуёш фотоэлектр станцияси ва 63 MWт соат қувватли энергия сими-мига эга батарея омбори қурилишига ҳам старт берилди. Истеъмолчиларнинг энергия таъминоти барқарорлигини ошириш, электр ишлаб чиқариш самардорлигига эришиш каби мақсадларни ўзида мужассам этган лойиҳа туман аҳтиёжининг катта қисmini қоплаш имконини беради. Лойиҳа бош менежери Филип Торреснинг сўзларига кўра, бу ерда “Нур-Бухоро” Солар қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш лойиҳасининг рўйи келгусида аксарияти ўзинида ишлаб чиқарилган замонавий панеллар ўрнатилишига йўл очади. Қолаверса, мажмуа “Ўзбек-Солар-3” дастури-нинг бир қисми бўлиб, бу мамлакатимизда рақобатбардош нарҳларда электр қуввати етказиб беришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.



## Кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бошланди

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,  
“O'zbekiston bunyodkori”  
мухбири

Сўнгги йилларда юртимизда аҳолини сифатли уй-жойлар билан таъминлаш, улар учун замонавий, барча қўлайликларга эга уйлари қуриш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шундай ишларнинг давоми сифатида Нукус шаҳри Шымбай гузары маҳалласи ҳудудидан кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган эди. Бугунги кунда ана шу янги кўп қаватли уйлarning қурилиши бошланди. Қурилиш ишларининг бошланishi маросимида кўплаб мутасадди ташкилотлар



раҳбарлари ва туркиялик инвесторлар иштирок этишди.

Айтиш жоизки, Нукус-Чимбой автомобиль йўли бўйида Туркия инвестицияси асосида 5 қаватли 15 та турар жой билан қурилиши ре-

жалаштирилган. Мазкур уй-жойлар қурилиши учун маҳаллий қурилиш ташкилотлари танлаб олинган бўлиб, иморатларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари маҳаллий лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган.

## Нукусда замонавий аквапарк ишга тушди



Сўнгги йилларда юртимизда ички ва ташқи туризмни ривожлантириш, аҳолининг муносиб ҳордиқ чиқариши, ёшларимизнинг бўш вақтларини самарали ўтказиши борасида бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Ана шу мақсадда Нукус шаҳрида замонавий аквапарк маркази фойдаланишга топширилди. Марказнинг очилиш маросимида сўз олган янги туристик марказнинг аҳамияти, уни янада кенгайтириш, ривожлантириш борасида ўз фикрларини билдиришди.

Умумий майдони 0,6 гектарни ташкил этган ушбу дам олиш масканини бунёд этишга 6 млрд сўм маблағ ажра-

тилиб, марказ бир вақтнинг ўзида 600 кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Аквапаркда болалар майдончалари, болалар ва катта ёшдагилар учун бассейнлар ташкил этилган. Бир сўз билан айтганда, бу ерга ташриф буюрувчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун барча қўлайликлар муҳайё этилган. Лойиҳанинг ишга туширилиши билан 40 та янги иш ўрни яратилди.

## МФЙ янги биноси фойдаланишга топширилди

Орифжон ИСМОИЛОВ,  
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири

Учқўприк туманида “Бегобод” маҳалла фуқаролар йиғини учун давлат-хусусий шериклик асосида қурилган замонавий бино фойдаланишга топширилди.



Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев, Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари Шерзод Раҳимов, Учқўприк тумани ҳокими Қодиржон Эркабоев, секторлар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, нурунийлар иштирок этишди.

Тадбир аввалида таъкидлаганидек, Президентимиз ташаббуси билан кейинги йилларда маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини, ваколатларини ошириш, моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш буйича улкан ишлар амалга оширилди. Охириги 7 йилда тизимни такомиллаштиришга қаратилган 100 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган, барча соҳа ва йўналишлар буйича “маҳаллабай” ишлаш усули кенг жорий этилиб, маҳалла раиси, ҳоким ёрданчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ҳодим ва солиқ инспекторидан иборат ташкирчан тузилма фаолияти йўлга қўйилгани ижобий самара бераётгани алоҳида қайд этилди.

Шундан сўнг, рамзий тасма қирқилиб, меҳмонлар янги бинода “маҳалла еттичилиги” ҳамда ҳудуд аҳолиси учун яратилган барча зарур шароит ва қўлайликлар билан танишилди. Давлат-хусусий шериклик асосида бунёд этилган уч қаватли замонавий бино қурилишига тадбиркор томонидан 3 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланган. Шунингдек, янги бино қарийб 100 миллион сўмлик мебель ва зарур жиҳозлар билан таъминланган. Мазкур маҳалла мажмуасида аҳоли ва ёшларга қўлай қиладиган, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда бандлигини таъминлашга қаратилган яна бир қатор қўшимча лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган.

## Ўзбекистонда юк вагонларини ишлаб чиқарувчи завод қурилади

Тошкент шаҳрида Саноат энергетика гуруҳи, "G'allaaral Management" компанияси ва Словакиянинг "AZC Orbis Invest" саноат гуруҳи ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Виктор Боретский ҳамда компания раҳбарлари иштирок этди.

Унда томонлар ҳамкорлик ва ушбу имзоланган меморандум доирасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Ушбу ҳужжатга асосан Жиззах вилоятидаги "Фаллаорол" махсус саноат зонаси ҳудудида темир йўл юк вагонларини ишлаб чиқарувчи завод қурилади.

– Ушбу лойиҳа компаниямиз ва бутун

Ўзбекистон саноати учун муҳим қадамдир, – деди Саноат энергетика гуруҳи бош директори Тўлқин Юсупов ўз ақида-сингари Н. Зейдуллаевага. – Юк вагонларини ишлаб чиқариш заводи логистика инфратузилмасини сезиларли даражада яхшилади ва транспорт операциялари самарадорлигини оширади.

Таъкидлаш кераки, ушбу завод вагон-цистерналар, хопперлар, яримвагонлар ҳамда ёпиқ вагонлари сингари ҳар хил турдаги вагонларни ишлаб чиқариш бўйича тўлиқ линияга эга бўлади. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 2 мингтани ташкил этади.



Бундай имконият Ўзбекистон логистика тизими ривожига муҳим аҳамиятга эга.

Словакиянинг "AZC Orbis Invest" саноат гуруҳи ишлаб чиқаришни муваффақиятли ишга тушириши ва йўлга қўйиш учун зарур бўлган техник тажриба ва технологияларни тақдим этади. Янги завод ҳудуднинг саноат салоҳиятини ривожлан-

тириши ва мамлакат логистика инфратузилмасини яхшилашга хизмат қилади.

– Ўзбекистонда яхши бозор имкониятларини кўряпмиз. Ишончим комилки, бизнеснинг ҳамкорлигимиз логистика ва саноат ривожига ҳисса қўшади, – дея таъкидлади "AZC Orbis Invest" саноат гуруҳи ижрочи директори Роберт Списак.

## Коррупция – миллат ва жамият қушандаси

Абдусамат САИДВАЛИЕВ,  
"Худудгазтаъминот" АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари.

Коррупция бутун инсониятга, барча жамиятлар асосига, иқтисодий тараққиётга зарба берадиган, қонун устуворлигини бузadиган, демократик институтлар ривожига тўсқинлик қиладиган хатарли таҳдиддир. Мазкур ўткир муаммонинг оқибатларини чуқур англаган ҳолда, ушбу иллатга қарши кураш ҳар бир давлат ва жамият учун муҳим масалага айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони асосида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш мақса-

дида Коррупцияга қарши кураш агентлиги ташкил этилди.

Хукумат фаолиятининг очик ва ошкоро рағбати таъминлаш ва масъулиятини ошириш, бюрократияни камайтириш ва давлат хизматларини соддалаштириш, коррупциянинг олдини олишга қаратилган механизмлар амалиётга кенг жорий этилмоқда. Хусусан, барча давлат идораларида комплаенс ва самарадорлиқни

баҳолаш рейтинг тизимлари йўлга қўйилди. Давлат харидлари тўлиқ рақамлаштирилди. Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар билан ақин ҳамкорлик йўлга қўйилди.

"Худудгазтаъминот" АЖ коррупцияга қарши курашиш жамият сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Ҳозирги вақтда Жамият коррупцияга қарши кураш борасида етарли тараққиётга эга. Жамият ташкил этилганидан бери газ таъминоти соҳасида очиклик ва шаффофликни таъминлаш учун кенг қўлдан келтирилган амалга оширилмоқда. Соҳага илгор тажриба ва замонавий автоматлаштирилган рақамли технологияларни кенг жорий этилиши натижасида таъминотчи ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатларда инсон омилли кескин пасайтирилди. Истеъмолчилар ҳудудий газ таъминоти ташкилотларига бормасдан,

тўловларни онлайн тарзда амалга ошириш мумкин. Бунинг натижасида коррупция ҳолатларининг олди олинди.

Ушбу йўналишда бир қатор халқаро ва маҳаллий ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. 2022 йилнинг август-сентябрь ойларида "SERT International" халқаро ташкилоти томонидан ўтказилган ўрганишларда "Худудгазтаъминот" АЖ ISO 37001:2016 Коррупцияга қарши бошқарув тизими стандартига мувофиқлик сертификатига эга бўлди. Бундан ташқари, 2023 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган аудит кузатуви муваффақиятли яқунлаштирилди, тизимдаги коррупцияга қарши кураш ижобий баҳоланди.

Коррупцияга қарши кураш – бу давомий жараён бўлиб, бу йўлда хизматчи ва истеъмолчининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга. "Худудгазтаъминот" АЖ коррупцияга қарши курашда қатъиятли ва тизимли ёндашувга асосланган ҳаракатларни давом эттиради.

### ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

## "ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI" MЧЖ

### ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

"Zamonaviy realtor xizmati" MЧЖ томонидан ташкил этиладиган очик танлов савдоларига "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖнинг 2024 йил 27 июндаги 608-сонли буюртманомасига асосан, "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖ ҳудудида жойлашган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

№	Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	3-21-1 сонли, умумий майдони 6,0 м² бўлган савдо шохобчаси	28 059 642
2.	4-21-7 сонли, умумий майдони 6 м² бўлган савдо шохобчаси	28 059 642
3.	9-1-11 сонли, умумий майдони 50,0 м² бўлган савдо шохобчаси	233 830 350
4.	9-1-12 сонли, умумий майдони 25 м² бўлган савдо шохобчаси	116 915 175
5.	12-2-2 сонли, умумий майдони 6 м² бўлган савдо шохобчаси	28 059 642

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2024 йил 26 июль куни соат 16.00 гача.

Талабгорларнинг таклифлари 2024 йил 30 июль куни соат 11.00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, тақририй савдолар 2024 йил 14, 29 август, 12, 26 сентябрь, 10, 24 октябрь, 7, 21 ноябрь, 5, 19 декабрь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдодада қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этади: юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилган тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нусхаси;

жисмоний шахслар – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида "Zamonaviy realtor xizmati" MЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширунга қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-А" уй. Телефон: 71-237-23-82.

## ВИЛОЯТНИНГ БУГУНГИ ҚИЁФАСИНИ ЯРАТИШДА УНИНГ ҲИССАСИ КАТТА

Инсон қачон тўқис бахтга эришади? Саломатлик, фаровон турмуш, оила тотувлиги, фарзанд қувончи... Санаб адоғига етиш мушкул. Аммо тан олиш лозимки, инсон ўзи танлаган, севган касбида ишлаб ҳам ҳақиқий бахтни ҳис этиши мумкин экан. Бу илмий жиҳатдан ҳам тасдиғини топган.



Курилиш индустрияси тармоғида ҳам ўз касбини улуғлаб, бор билим ва меҳри билан фаолият олиб бораётган ана шундай инсонлар кўпгина топилди. Жиззах вилояти Курилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи лавозимида фаолият юритаётган Акбар Абдуразақов улардан бири.

Қаҳрамонимиз курилиш соҳасига ўз-ўзидан келиб қолмаган. Болалиқдан қизиққан касбини пухта эгаллаб, келажакда моҳир курувчи бўлиш истағи уни Тошкент политехника институти томон етаклайди. Институтининг Саноат ва фўқаро курилиш факультетини тамомлаб, соҳанинг ҳақиқий эгасига айланди.

Жиззах туманида туғилган қаҳрамонимиз мана неча йилдирки, малакали мутахассис сифатида курилиш соҳаси ривожига, юртимизнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Минглаб касбдошлари қатори вилоятнинг бугунги тараққиётда ҳиссаси борлиғидан мамнун қаҳрамонимиз шундай деди:

– Курилиш соҳасини танлаган киши, энг аввало, пок виждон эгаси бўлиши керак. Бурча садоқат, касбий малака, бой тажриба – булар бари курилиш

соҳаси ходимларига қўйиладиган талаблардир. Ана шу фазилатларга эга шахсина ўзгаларга бахт, қувонч улаша олади. Яъни, қураётган ёки таъмирлаётган иморатини бировга деб эмас, худди ўзи учун барпо этаётгандек ҳис қилсагина у ҳақиқий курувчи бўла олади. Шу боис, фаолиятимда ҳам доимо қатъий талаб, белгиланган меър ва сифат кўрсаткичларига мувофиқ ишлашга ҳаракат қиламан. Зеро, бизнинг соҳада хато ва камчиликлар қанчалик эрта аниқланса, шунчалик тез бартараф этилади. Ходимларимдан ҳам худди шу қоидаларга риоя этишни талаб қиламан.

Дарҳақиқат, Акбар ака ҳудудий инспекцияга раҳбар бўлгунга қадар курилиш-бунёдкорлик соҳасида узун ва машаққатли йўлни босиб ўтган. Кўп йиллар давомида Жиззах вилоятидаги "МПК-55"да ишчи, курилиш устаси, иш бошқарувчи ва бош механик вазифаларида ишлаб, тажрибасини оширган. Фоалият спортини ривожлантириш жамғармаси Жиззах вилояти ҳудудий бўлинимаси бўлими бошлиғи сифатида ҳам фаолият юритиб, вилоятнинг бугунги қиёфасини яратишга муносиб ҳисса қўшган.

Қолаверса, вилоят Курилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш



инспекциясининг Курилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлимида етакчи мутахассис, бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаб ўзининг талабчанлиги, масъулияти ва салоҳияти туфайли ҳам-касблари журматини қозонган.

Кўплаб шогирдлари ёш мутахассисларга касб сирларини ўргатиб келаятган Акбар Абдуразақов бугун муборак 60 ёшни қарши олмақда. Биз ҳам у кишини узоқ умр ва улкан муваффақиятлар тилаймиз!

КУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ.

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2024 йил июнь ойининг 27-30 ва июль ойининг 1-саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Курилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги вазирлиги хизмат хоналари фарроши **Феруза Зоирова**, Курилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ичимлик сувдан оқилонга фойдаланиш ва сотишни мувофиқлаштириш ҳамда оқова сув хизматларидан фойдаланиш бўлими бош мутахассиси **Муҳаммадjon Джакбаров**, "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Аxbорот-коммуникация технологиялари бўлими етакчи мутахассиси **Азизбек Искандаров**,

"Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi" аxbорот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш бўлими бошлиғи **Фахриддин Рўзиев**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти етакчи мутахассиси **Аброр Турсунбоев**, ҳайдовчи **Камолиддин Тўхтаев**,

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" Давлат муассасаси бош мутахассиси **Зухриддин Кучкаров**,

"Ўзоғирсаноатлоийҳа" АЖ котибият бошлиғи **Раъно Муратова**, қарздорликлар бўйича бош мутахассис **Азимжон Асқоров**, АСС-2 бош мутахассиси **Шавкат Янғалиев**, муҳандис **Шохруҳ Умаров**, Электр техника ва автоматика бўлими катта муҳандиси **Мансур Ҳайдаров**,

"O'zshaharsozlik LITI" ДМ "Қорақалпоғистон Республикаси" филиали директори **Бабамурод Балтаниев**, "Фаргона" филиали муҳандиси **Гулноз Ахророва**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ тумани курилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Жаньзак Садықов**,

Бухоро вилояти Курилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги бош бошқармаси котибаси **Шаҳодат Нарзиева**, Курилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош инспектори **Шохруҳ Тошев**, лаборант **Лазизжон Боқиев**, Кўп квартиралли уй-жай фондидан фойдаланишни назорат қилиш бўлими бош мутахассиси **Дамирбек Ибодов**, қорувул **Ғиёсиддин Шарипов**,

Қашқадарё вилояти Курилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Ичимлик сувидан оқилонга фойдаланиш ва сотишни мувофиқлаштириш ҳамда оқова сув хизматларидан фойдаланиш бўлими етакчи мутахассиси **Равшан Бабаев**, "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ етакчи мутахассиси **Азизбек Муҳаммадиев**,

Навоий вилояти Курилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги бош бошқармаси Ижро назорати бўйича инспектори **Юлдуз Мавлонова**, Курилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Буюртмачилар билан ишлаб бўлими етакчи мутахассиси **Шухрат Зуваев**, Курилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими мутахассиси **Ойбек Санторов**, Ичимлик сувидан оқилонга фойдаланиш ва сотишни мувофиқлаштириш ҳамда оқова сув хизматларидан оқилонга фойдаланиш бўлими мутахассиси **Улугбек Таштемиров**,

Тошкент вилояти Бекобод шаҳри Курилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги курилиш бўлими бошлиғи – бош архитектор **Ғофуржон Бегматов**, Зангиота тумани курилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектор **Сардор Раджапов**,

Хоразм вилояти Курилиш ва уй-жай коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – вилоят бош архитектори **Фаррух Машарипов**, Уй-жай коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассис **Алишер Атаджанов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги "Map Bino Tamir" МЧЖ БСК бош директори **Алишер Собиров**,

Навоий вилояти Конимех туманидаги "Zafarobod Kommunal Invest" МЧЖ БСК бош директори **Эржан Усманов**,

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги "Yugnakiy Servis" МЧЖ БСК бош директори **Гульнора Каюмова**, Учтепа туманидаги "Hamkorlik Servise" МЧЖ БСК бош директори **Марат Юлдашев**,

Фаргона вилояти "Qo'qon Loyiha-Qurilish" МЧЖ муҳандис-лойиҳачилари **Хусан Юлдашев**, **Аббас Юлдашев**ларни таваллуд қилиш чин дилдан муборакбод этишимиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲҚАМ СОғЛИК ТИЛАЙМИЗ!



# 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини

## Сўзнинг қадри тушмасин!

Адхам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Дунёда касблар кўп, ҳар бирининг ўз номи, ўз нони, эгасига берадиган насибаси бўлади. Қурувчи қурган уйи мустақкам бўлишини истайди, деҳқон ҳосили мўл бўлиши йўлида тинмай елиб-югуради. Чунки ўз вазифасини пухта адо этгандагина натижа қониқарли бўлади. Ўз ишининг устаси бўлганларнинг эса харидори кўп бўлади. Бугун эса тамоман ўзгача соҳа вакиллари касб байрами.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини. Журналистнинг энг биринчи иши ўз касбига муносабатида кўринади. У ҳақиқатни кўздаги кўзойнақдек авайлайди, у билан дунёга теран назар солишга тиришади. Қаламдан залвор билан тўкилган ҳақиқатни ёлгон билан камситмайди. Журналист ким учун норози киши, ким учун фитначи, айб ахтарувчидек кўринади. Умри давомида бировнинг яхши, бировнинг ёмонига айланади. Бир-да тўри-

нинг, бир-да эгрининг дарагини беради. Ҳаётини сўз қаноти остида ўтказди. Виджонини қирлатмасликка, ҳақиқатни маёқ қилиб, узун йўлга чиқади. Инсонларнинг дард-аламларига, ҳасратларига кўзгу тутди. Халқнинг манфаатини ҳимоя қилади. Адолат учун энг кўп ғайрат қилиш ҳам журналистнинг вазифасидир. Журналист рост сўзнинг барокати билан оиласини боқайди.

Сўзни, инсонлик қадрини, шарафини ҳимоя қи-

лади. Бир умрки, иззат-нафсини, гурурини жами нарсалардан устун қўйиб яшашдек улкан масъуллик бор унинг бўйида. Баъзан бутун халқ учун жон қуйдириб бошини кундага қўйишгача борса, баъзан майдонда бир ўзи қолишдек аччиқ ситам ҳам унинг бошида бор. Энг муҳими, у миллати ва халқини ҳар қимдан аввал ва кўпроқ севгани, ҳимоя қилгани учун муаммолар олди-да жим турмайди, масалани ечиш шавқидан, кишилар оғирини енгил қилиш завқидан асло воз кечмайди.

Ривоятда айтилишича, бир киши ҳазрати Абу Ҳанифадан сўрабди:

– Эй Абу Ҳанифа, отнинг нечта оёғи бор?

Шунда Абу Ҳанифа миниб турган отидан тушиб, отнинг оёқларини санаб кўрибди ва шундай жавоб қилибди:

– Отнинг 4 та оёғи бор...

Дарҳақиқат, бу ривоятдан энг катта хулосани журналист олиши керак, деб ўйлайман. Негаки, ҳатто аниқ билан, деб ўйлаган нарсангизни қайта-қайта текшириб, заковат ва ақл билан ёзмоқ керак бўлади.

Бугун ҳар кўчада, ҳар кечада, ҳар кундада тинимсиз ахборот уруши кетаётган бир маҳалда журналистдан ўта зийраклик талаб қилинади. Берилажак хабарларни пухта ўрганиш ва тўғри етказиб бериш бу соҳа вакиллари учун жуда муҳим ҳисобланади. Ҳар бир журналист ўз халқига нима дейишини билиши, унинг манфаатига ҳамisha хизмат қилиши керак. Халқнинг ишончидан фойдаланиб, инсонлар тафаккурини чалғитиб қўйиш ҳам ярамайди. Ошириб, бурттириб юборилгандай туюлса-да, журналист бўлиш чин машаққат демак. Унинг юкини ҳар ким ҳам елкасига ололмайди, босимига, машаққатларига бардош беролмайди.

Истаймизки, жасур юракли, теран тафаккурли, кенг салохиятга эга журналистларимиз кўп бўлсин. Миллатимизни уйғоқ қиладиган, кишиларни маърифатга бошлайдиган зийкор журналистларимиз сони сероб бўлсин. Барча ҳамкасбларимизни касб байрами билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Асло сўзнинг ва ҳақиқатнинг қадри тушмасин!



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA  
**O'ZBEKISTON BUNYODKORI**  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров  
(Тахрир ҳайъати раиси),  
Шерзод Ҳидоятлов,  
Давронжон Адиллов,  
Тоир Алиматов,  
Озода Жўраева,  
Козим Туляганов,  
Юлдаш Мағрупов,  
Жамшид Исмаилов,  
Бобир Элмуродов,  
Қудратбек Хошимбеков.

### ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир уринбосари **Райҳона Ҳўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусахҳишчи **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" **НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ** томонидан **нашрга тайёрланди.**

"ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ" **НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ** МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,  
"Ўзсанотқурилишматериаллари" уюшмаси, "ЎзГАШКЛИТИ" ДУК,  
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК,  
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,  
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

### ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,  
Навоий кўчаси, 18-уй.  
**Телефонлар:**  
71-241-01-29 (қабулхона),  
71-241-01-43 (таҳририят),  
71-241-01-29 (бухгалтерия),  
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими),  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

### ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.  
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.  
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.  
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.  
**Қашқадарё вилояти:** 99-731-17-40.  
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.  
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.  
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.  
**Сурхондарё вилояти:** 94-916-99-77.  
**Сирдарё вилояти:** 97-847-30-11.  
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.  
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси – 466.  
Буюртма – Г-641.  
1686 нусхада босилди.  
Қўзғо бичими А-2.  
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.  
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

### КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,  
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

**Набатчи муҳаррир** – А. Эгамбердиев.  
**Набатчи** – А. Ҳақбердиев.

Ўза яқуни –  
Тошпиринди – 23.50.

## Устоз Солиҳ Ёқубовнинг "Тошкент оқшоми"даги мактаби

Дилшод ЖАЛОЛОВ,  
Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.


Халқимизнинг маънавий тўқис, дунёқароши кенг бўлишида журналистика соҳаси ҳам бошқа соҳалар каби муҳим ўрин тутди. Шу касбга ҳавас қилиб, фаолиятини бошлаганларнинг саногии йўқ. Бироқ унинг оғир юк ортилган аравасини бир меъёрда тортиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Шу боис, "Журналистнинг нони қаттиқ, аммо тотли бўлади", деган гап бекорга айтилмаган. Демокчимизки, соҳадаги муаммо ва ўзига хос қийинчиликларга бардош берган, тош чиқса кемириб, сув келса симириб, умрини одамларнинг маърифатли бўлишига бахш этган фидойи қаламқашлар жуда кўп.

Ана шундай фидойи қалам соҳибларидан бири, олти йилга яқин умрини "Тошкент оқшоми" газетасининг энг манзур бўлиб чиқишига сарфлаган инсон – Солиҳ Ёқубовдир. Урни келганда айтиш жоизки, журналистика соҳасининг талаблари жуда кўп. Энг асосийси, сўзи ўткир ижодкор, ҳар томонлама билимли, дунёқароши кенг, одамлар билан мулоқотда ҳозиржавоб бўлиши лозим. Устоз Солиҳ акада ана шу хислатларни кўпчилиги учун ҳам ҳамкасблари у кишини жонли қомусга қиёслашади.

Яқин қариндоши, буюк маърифатпарвар шоир Тавалло (Тулаган Ҳўжамуров) ижоди устознинг бугунги даражага етишида нур сочган бўлса, атоқли адиблар Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, машҳур кирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовларнинг асарлари одамларга яхшилик улашишдек эзгу туйғуларни болалик чоғидан тўйинтириб қўлади. Уша даврда бундай улғун инсонларнинг давраларига қўшилиб, тонггача мижажа қоқмасдан суҳбатидан баҳраманд бўлиш иштиёқи ҳар кимда ҳам бўлмаган.

Шамол мисоли тез ўтган йиллар Солиҳ ака билан бир вақтда ишлаш осон эмас. Аммо Солиҳ ака ҳар иккаласини ҳам эплади. Кундалик режасини дарс жадвалига қараб тузиб, аввал ишхонасига бориб, таҳририят топширигини бажарар, сунгра дарсларга улгурарди.

Ҳақиқий синов ва иш жараёнидаги масъулиятли давр диплом кўлга киритилгандан сўнг бошланди. Таҳририят-



лардан бирида фаолиятини бошлаган кун, гапнинг рост, жамоада ишлаётган айрим тажрибали журналистлар унинг қаламига мансуб мақолаларни ўқиган бўлишса-да, бироқ ёш боланинг соҳани бу даражада пухта ўзлаштирганга ишонмаган эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай бу ҳадикларга ўрин қолмади. Таҳририят топшириги билан қайси манзил ёки қорхонага юборилса, барчасидан дилтортар мақолалар тайёрлаб, ҳамкасблар ишончини оқлади.

Бошқа соҳаларда бўлгани сингари журналистикада ҳам кимнинг ким эканини меҳнати ва касбини яхши ўзлаштириб, ташаббуслар кўрсатиши белгиланган. Бундай хислат эса, ҳеч қачон бошқалар, айниқса, раҳбарият назаридан четда қолмаган ва ҳозир ҳам шу анъана давом этаётди. Демокчимизки, Солиҳ ака ҳам мазмуни ижоди тўғрисида республика миқёсидаги бир неча газеталарда меҳнат қилиб, ҳар бир жамоада ўзининг

айтар сўзи, бажарадиган иши билан бор-ў-этибор қозонган.

Бу жиҳатдан "Тошкент оқшоми" газетаси айниқса, алоҳида ўрин тутди. Академик шоир Ғафур Ғуломнинг тавсияси билан 1967 йилда дунё юзини кўрган таҳририятда Саъдулла Караматовнинг тақлифига кўра таҳририятнинг Қурилиш ва санот бўлимида фаолият бошлаган Солиҳ ака эллик йилга яқин шу жамоада қалам тебратиб, газетанинг сифатли ва ўқишли чиқишига катта ҳисса қўшди.

Ижод билан бирга ҳамоҳанг Солиҳ акада ташкилотчилик қобилияти ҳам кучли эди. Газета кундалик нашр бўлгани учун ҳар кун узоғи билан тушлик пайтида чиқиши ва кечгача обуначиларга етказиб берилиши лозим эди. Таҳририят ишлари охири-тохири ётганига қарамадан журналистика факультетида таҳсил олаётган талабаларнинг қадами устоз хонасидан узилмас, уларнинг ҳар бирига вазифалар бериб, тайёрлаб келган хабарларини ҳам таҳрир қилишга улгурарди, бирортасининг дилини ранжитадиган сўз айтмасди. Аввалбошда у кишининг хонаси, кейинроқ эса бутун таҳририят ёшлар қаламқашларнинг ижод мактабига айланганини кўплар ҳамон эслашади.

Солиҳ ака шу таҳририятнинг гуллаб-яшнаши каторида ҳамкасблари ўртасида соғлом муҳит яратиб, ходимларнинг бир-бирлари билан иноқ-аҳил, ҳар ишда бамаънафат иш туттиришда ҳам катта тажрибага эга эди. Бу анъана яқин-яқингача ўз қийматини йўқотмаган.

– Устоз билан суҳбатлардан бирида, фаолиятингиз давомида қанча мақола, ҳикоя ва очерк, танқидий-таҳлилий материал ёзганингизни ҳисобини қилганмисиз? Жами ўн мингдан ошган бўлса керак, – деб сўраганимизда у киши шундай жавоб берганди:

– Ҳисоби қанча экани тўғрисида ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман, аммо ёзганларим тўғрисида минггадан ортиқ бўлган шоярлар орттирганам рост.

Халқимизда, "Олтин зангилмас", деган гап бор. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими", Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, I-даражали "Меҳнат фахрийси" нишондори устоз Солиҳ Ёқубов саксон ёшдан ўтаётган бўлса-да, ижоддан тўхтагани йўқ. Яқинда у киши йиллар давомида қалб тўрида йиғиб юрган хотираларини жамлаб "Умрим чашмаси" номли асарини халқимизга инъом этди. Мазкур мақолада устоз ҳақида келтирилган мисоллар ҳамир учидан патир нисолидир.

## Самарқандга саёҳат

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан **хоразмлик 50 нафарга яқин ОАВ вакиллари Самарқандга саёҳат қилишди. Икки кунлик саёҳат Ўзбекистон журналистлар уюшмаси ташаббуси билан Ўзбекистон касабая уюшмаси федерацияси ҳомийлигида ташкил этилди.**



Журналистлар саёҳатини Мирзо Улуғбек расадхонасини томоша қилишдан бошлади. Расадхона XI асрда Мирзо Улуғбек фармойиши билан Хўжахак (Чўпонота) тепалигида бунёд этилган. Аждодларимизнинг шундай буюк ишларини амалга оширганни ҳайрат билан томоша қилган журналистлар Хўжа Дониёр мақбараси ва Биринчи Президентимиз Ислам Каримов қабрини ҳам зиёрат қилишди.

Шундан сўнг, саёҳатчилар Фармон Тошев муҳаррирлик қилаётган "Зарафшон" ва "Самарқандский вестник" газеталари бирлашган таҳририятда бўлдилар. Фармон Тошев журналист ва блогерларни газета таҳририяти жамоасининг шу кунларда олиб бораётган ибратли ишлари билан таништирди. Журналистлар газетанинг 100 йиллик тарихини ўзида жамлаган музейни ҳам бориб кўришди.

Айниқса, замин сайқали бўлмиш Самарқанддаги "Боқий шаҳар" мажмуа-

си хоразмлик журналистларда катта таассурот қолдирди. 7 гектар майдонда бунёд этилган бу мажмуада қадимий шаҳарларимиз қиёфаси, миллий анъаналаримиз билан бирга ҳамдўстлик мамлакатлари билан алоқалар тарихи акс эттирилган. Хусусан, Афросиёб ёдгорлиги деворларида сақланиб қолган Корея, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан фойдаланилган. Тарих ва бугунги кун уйғунлиги ўзида акс этган мазкур мажмуанинг 2018-2022 йиллар оралигида 4 йил ичида бунёд этилиши бир ҳайратингизга ўн ҳайрат қўшади.

Гури Амир мақбараси, жаҳонга машҳур Регистон ансамбли, Бибиҳоним мадрасаси ва хилхонаси, Шоҳи Зинда мажмуаси зиёрати билан журналистларнинг саёҳати ўз ниҳосига етди. Воқалик журналистлар Самарқанд саёҳатидан олам-олам таассуротлар билан қайтишди.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ жамоалари тизимида кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ директори ўринбосари Эркин Искандаровга отаси "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" фахрий унвони, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби **Бўри ИСКАНДАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.